

# САНЪАТКОР

*Машиҳур актёр Зикир Муҳаммаджонов хотирасига*

Бир инсон эди у тенгсиз, мухтарам,  
Мен шуҳрат пойида, у-чи аршида.  
Кездик юртимизни қадамба-қадам,  
Гоҳ Тошкент, гоҳ Нукус, гоҳо Қаршида.

Санъаткор зот эди, актёр эди у,  
Юзлаб қиёфага кирган бир ўзи.  
Осонми кечалар ҳатто беуйку  
Лафзингдан янграса сахнанинг сўзи.

Тонгдан яёв кезиб қайтса даврага,  
Улуғбек Мирзо деб кадрлардик гоҳ.  
Ҳеч қандай тақаллуф тушмас орага,  
Боксак сўзлаб турар Бойқаро ногоҳ.

Берсин актёрларнинг жонига тўзим,  
Ўзлари содда-ю, роллари жумбок.  
Ўзгартиб юборар хаттоки кўзин,  
Ҳа, санъат боқийдир, санъат умрзок.

Кўнгил узмади ҳеч шеърдан, баётдан,  
Теран туйғуларга тўлиб ўтди у.  
Саҳна ўзга дунё, лекин ҳаётдан  
Зикир Муҳаммадҷон бўлиб ўтди у.

**Абдулла ОРИПОВ,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири**

## **ЗИКИР МУҲАММАДЖОНОВНИ ЁДЛАБ**

Ҳаёт ўзи бир сахна, дўстлар,  
Ҳар кимнинг каттами, кичик роли бор!  
Аммо ҳамма йўл ҳам ижод сиримас,  
Актёрликка рухни толе ўзи айлар ёр!

Жаҳон сахнасида шундай зотларнинг  
Тарихан билгулик сиймоси аён:  
Ҳар қалбга Ҳақ берган сеҳр-иктидор  
Соҳир юрак расмин айлар намоён!

«Зикир ака!» – десам, бир «Ҳамза» эмас,  
Кўплаб улуғ зотлар ёдда муаббад,  
Илоҳий рух – бир ой, бир йилда эмас,  
Олий интилишлар тахти беадад!

Диққат, ана, парда очилмоқда бот,  
Юртим бир нафасинг – ўн Юнонча бор:  
Элга Зикр оғадек хизмат этганлар,  
Нурли мангуликка доим дахлдор!

**Омон МАТЖОН,**  
**Ўзбекистон халқ шоири**

## САНЪАТКОРЛАР ПЕШВОСИ

Санъаткорлар пешвоси,  
Яхшиларнинг ошнаси.  
Роль ўйнаган минг бора:  
Гоҳ Навоий, Бойқаро  
Сўзи ҳамон бийрондир,  
Зикир Муҳаммаджондир.

Шаҳрим ичра кўчада,  
Хоҳ кундузи, кечада.  
Юргани юрган яёв,  
Оёғига беаёв.  
Барча бунга ҳайрондир,  
Зикир Муҳаммаджондир.

Ҳамишалик машқ қилган,  
Соғломликдан гашт қилган,  
Ким ҳам унга келар бас,  
Юраги ҳам чарчамас.  
Бу иш унга осондир.  
Зикир Муҳаммаджондир.

Қуримасми мадори?  
Ёки борми матори?  
Йўл юрса-да мўл юрган,  
Ишларига улгурган.  
Бамисоли жийрондир,  
Зикир Муҳаммаджондир.

Пўлат МЎМИН,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ДАВРИМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Халқимизнинг асл фарзанди, буюк санъаткор, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори Зикир Муҳаммаджоновни мен илк бор 1949 йилда В. Шекспирнинг «Гамлет» спектаклида Лаэрт ва Горацио ролларида кўрганман.

Ўша пайдан бошлаб менда бу инсонга нисбатан ҳурмат ва ҳавас ҳисси пайдо бўлган.

Зикир ака билан 63 йил давомида жуда кўп учрашувларда, ижодий сафарларда, киноанжуманларда бирга бўлиш бахтига муяссар бўлганман.

Зикир Муҳаммаджонов кенг қамровли, шиддатли ва бекиёс куч-қувватга, ички ҳиссиётга бой улкан санъаткор эди.

У жуда камтарин, виждонли, инсонпарвар, интеллектуал, жаҳон классик адабиётини чуқур билган ўқимишли, қолаверса, ҳеч ким ҳақида ёмон сўз айтмаган, суҳбатлашганда одамнинг дилини яйратадиган ажойиб инсон эди.

Негаки, бир тарафдан, унинг авлод-аждодлари ҳам ўз даврида ўқимишли, халқ ва давлат манфаатини ўйлаган ойдин инсонлар бўлган, иккинчи тарафдан, Зикир ака бутун ҳаёти давомида доимо ўз устида ишлаган, мутолаа қилган, изланган, курашган. У ҳаётга ташна эди, ҳеч қачон бекор вақти бўлмасди, қачон кўрсанг, бадий китоб ёки сценарий ўқир эди, керак бўлса, қайта-қайта ўқишдан эринмасди.

Буюк истеъдодлар кўп қиррали бўлади, деганларидек, Зикир Муҳаммаджонов ҳам актёрликдан ташқари, бошқа ижобий ҳислатларга бой эди. Қалами ўткир бўлганидан даврнинг долзарб масалалари ва кўплаб санъаткорлар

ҳақида юзлаб мақолалар ёзган, бир неча хотира китобларини халқимизга тақдим қилган ҳам публицист, ҳам журналист, ҳам театршунос, ҳам ёзувчи инсон эди. Бу жиҳатдан Зикир ака ёзиб қолдирган мақолалар таниқли санъатшунос олимлар томонидан ёзилган мақола ва рисоалардан асло кам эмас. У санъатимиз жонқуяри ва тарғиботчиси эди.

Мен Зикир аканинг туғма иқтидоридан, кенг қамровли актёрлик санъатидан, ички туйғуларини тўлақонли кўрсата олиш қобилиятидан, роль ўйнаганда бутун вужуди билан берилиб образга кира олиш сифатларидан ўз фильмларимда фойдаланишни кўп йиллар давомида орзу қилганман.

Афсуски, ўша йилларда Зикир Муҳаммаджоновнинг кенг ижодий имкониятларини тўлиқ ва чуқур кўрсата олиш имконини берадиган киносценарийлар кам ёзилган. Ёзилганларининг аксарияти эса актёрнинг имкониятларидан келиб чиқиш ёки фильм қаҳрамонининг руҳий дунёсини ёритиш учун эмас, балки ўша давр ғоялари ва мафкуравий зиддиятларини кўрсатишга жалб этилар эди. Биз режиссёрларга ҳам дилимиздаги фикрлардан тўлақонли фойдаланишга имкон кам бериларди. Шу сабаб, Зикир Муҳаммаджонов кўп йиллар давомида, авваламбор, театр актёри сифатида томошабинга танилди, кенг оммага машҳур бўлди, олқишларга сазовор бўлди, халқ меҳрига тушди.

Маълумки, Ўзбек Миллий академик драма театри (аввалги Ҳамза театри) буюк режиссёрлар, таниқли артистлар, машҳур санъаткорлар ижод қилган улуғ маданият даргоҳи, катта санъат мактаби бўлган.

Зикир Муҳаммаджонов Миллий театрнинг қанчадан-қанча курашлар, зиддиятлар, ҳатто бўлиниб кетиш даврларини бошдан кечиришига қарамасдан, театрга бирон маротаба ҳам хиёнат қилмаган, ушбу театрда муттасил 75 йил давомида муқим ишлаган вафодор ва забардаст артист, ҳақиқий санъаткор ва сахна сардори эди.

У театр ва кино санъати тарихида юқори эстетик дидли, Ўзбек адабий тилини тўғри, соф ва тоза талаффуз қиладиган

юк сак маънавиятли академик актёр сифатида хотирамизда қолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, санъатимизга кириб келаётган талабалар, ҳатто кўп йиллар давомида ишлаётган артистлар, қолаверса, ҳар биримиз она тилига меҳр билан қараш, бой сўз ва ибораларимизни тўғри ва аниқ талаффуз қилиш, кези келганда нотиклик (ораторлик) услуги бора-сида Зиқир Муҳаммаджоновдек улуғ санъаткорлар маҳорат мактабидан сабоқ олишимиз лозим, деб ўйлайман.

Зиқир аканинг бу борадаги хизматлари жуда катта, беқиёс, яъни она тилимизга ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ўзига хос муҳаббат билан ёндошишлари айниқса, шу кунларда, мустақил Ватанимизда она тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш даврида ўта долзарб масала.

Зиқир аканинг овоз тембри жарангдор, талаффузининг аниқлик даражаси теран ва оҳанграбодек ўзига хос индивидуал сифатга, кенг жило ва қиррали хусусиятга эга эди. Шунинг учун ҳам унинг овози бетакрор, ширали ва ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган овоз эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у кинода фақат овоз бериш ёки хорижий сўзларини ўзбекча баён этиш билан кифояланиб қолмасдан, ҳар бир қаҳрамоннинг ички характери, қилиқлари, ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиб, образларни тўлақонли ифода қилишга, ҳатти-ҳаракатларини ўзбек тилига уйғунлашишига жуда катта эътибор берар эди.

Бу жуда катта санъатдир.

Унинг бетакрор овозидан кино дубляж режиссёрлари жуда кенг фойдаланишга ҳаракат қилишган, натижада, Зиқир Муҳаммаджонов иштирокида жаҳон кинематографиясининг юзлаб дурдоналари ўзбек тилига дубляж қилинган. Ўша даврларда дубляж санъати Зиқир акага ўхшаган сўз усталари ёрдамида жуда юқори поғоналарга кўтарилган эди. Натижада, ўзбекчага ўгирилган чет эл фильмлари томошабин тарафидан ҳатто ўз асидан ҳам яхшироқ қабул қилинар эди.

Зикир ака дунё кино санъатини халкимизга кенг тарғиб қилишда улкан ҳисса қўшган истеъдодли сўз устаси эди.

Ҳаёт каби санъат ҳам жуда мураккаб, нотекис давом этади ва тараккий этади, у ҳеч қачон бир хилда, равоҳ ҳаракат қилмайди, яъни унинг юқори чўққиларига кўтарилиш даври, кейин эса секинлашиш, ҳатто инқирозга тушиш давлари, сўнгра яна кескин ривожланиш ва юксалиш пайтлари бўлади. Қолаверса, санъат, жумладан, театр ва кино санъати ҳам узлуксиз ривожланувчи бир жараёндир.

Тақдир такозоси билан мафкуравий сиёсий тузум ҳукмрон бўлган даврларда яшаган Зикир Муҳаммаджонов ҳар хил идеологик оқимлар, мафкуравий кўрсатмалар бўлишига қарамасдан, ўзининг чуқур билими, ҳаётга бўлган муносабати ва ички дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай образга худди ўзининг ҳаётдаги сўнги ролини ўйнагандек ўта жиддий ва мулоҳазали ёндошган, керак бўлган ҳолларда режиссёрларга ўз мулоҳазаларини айтиб, ижро этган образларини мукаммаллаштиришга эришган.

Макс Рейнхардт (Max Reinhardt) айтганидек, «...Ҳақиқий актёр роль ижро қилганда кимгадир ўхшаш учун интилиши эмас, балки қаҳрамоннинг тақдирини очик ёритишга ҳаракат қилиши, унда бошқа шахсни оддий гавдалантириш эмас, балки ўзининг бутун вужуди, эмоционал ички туйғулари ва руҳий кечинмалари орқали уни томошабинга очик-ойдин очиб ташлаш санъатига эга бўлиши керак».

Ҳақиқий кино ва театр актёри бир пайтда ҳам санъаткор, ҳам файласуф, ҳам шоир бўлиши кераклигини англаган ҳолда, ўзининг индивидуаллигини сақлаб қолишга интилиши; соф, тоза ва ҳақиқий санъат учун ўзининг саломатлиги ва ҳатто ҳаётини бахшида қилиши; моддий бойлик, муқофотлар ёки кимгадир ёқиш учун эмас, балки ўзи ижро қилиши керак бўлган тарихий ёки адабий қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, ҳиссиётларини ҳар тарафлама тўлақонли очиб беришга интилиши; томошабиннинг юрагига йўл топиб, санъат қошонаси залини ларзага келтиришга ҳаракат қилиши лозим.

Бу камдан-кам актёрларга насиб этади.

Зикир Муҳаммаджонов ана шундай бахтга эга бўлган ноёб санъаткор эди. У ўзининг узоқ умри давомида кўпдан-кўп ҳаёт ва давр машаққатларини бошидан кечирган актёр. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, давр унинг ижобий хислатларини ўзгартира олмади, яъни 75 йиллик ижодида бирон маротаба ҳам енгил ва осон йўл ёки бирор-бир манфаат кидирмади, ҳаётининг сўнгги кунларигача ҳар қандай топширик ёки ролларни жон-жаҳди ва бутун вужуди билан ижро этди.

Зикир Муҳаммаджонов ўзбек халқи ғурурланиши, фахрланиши мумкин бўлган улкан санъаткор ва йирик тарихий шахс эди.

Мен илгари ўз фильмларимда кўпроқ халқ артисти Шукур Бурҳонов ижросидан фойдаланганман. Кейин Зикир Муҳаммаджонов билан жуда яқинлашиб кетганмиз. Ҳали-ҳали эсимда, учрашганимизда у мендан сўрарди: «... Янги фильмингизни кўрдим, ёқди... Менга ҳам янги фильмда роль ўйнаш насиб этармикан?..» Мен жавоб берардим: «Зикир ака, сизга роль бериш мен учун катта шараф ва бу менинг орзуим».

Афсуски, кўп йиллар давомида унинг истеъдодига, ижодий қобилиятларига, имкониятларига арзийдиган, мос келадиган роллар бўлмади. Мана, мисол: «Беруний» фильмини олиш жараёнида, Беруний образини албатта, Зикир Муҳаммаджоновга беришни жуда кўп вақт жиддий ўйлаганман, режалаштирганман. Аммо ундаги туғма аристократизм ва харизматизм, кенг ва чуқур ақл-идрок кинода бу ролни унга топширишимизга тўскинлик қилган, сабаби, сценарий бўйича қўйилган мақсад бошқа бўлган, натижада, ушбу ролни ўйнаш афсуслар бўлсинки, Зикир акага насиб этмаган.

Булар, менинг армонларим...

Албатта, кейинчалик мен бир неча фильмларимда Зикир Муҳаммаджонов билан ҳамкорликда ишлашга, ижод қилиш бахтига муяссар бўлганман.



Масалан, «Отамдан қолган далалар» фильмида Зиқир ака шайх ролини жуда катта иштиёқ, юқори маҳорат ва марок билан ўйнаганлар.

Зиқир Муҳаммаджонов шайх ролини ижро этаркан, ўзининг бутун хатти-ҳаракатларини нутқидаги ғурур куюн-чаклик ва шиддат орқали ўз Она юртини чексиз севувчи, миллий урф-одатлар ва умуминсоний кадриятлар учун ўз ҳаётини заррача ўйламасдан қурбон қилишга тайёр бўлган тарихий шахс образини яратишга эришган ва томошабинлар дилида ўз она Ватанига чексиз муҳаббат туйғусини уйғота олган.

Зиқир ака «Оловли йўллар» фильмида ҳам халқпарвар жадид образининг чуқур психологик характерини маҳорат билан очиб берган. Ушбу қаҳрамон халқни маърифат билан қуроллантириб, Ватан озодлиги учун курашга чорловчи, ўз ғоя ва кадриятларига эга бўлган шахс. Айниқса, у фильм қаҳрамони Ҳамза билан бўлган баҳсда шундай тўлақонли образни ярата олганки, натижада жадид образи бош қаҳрамондан ҳам кучли чиққан, томошабинларни ларзага солган.

Лев Толстой айтганидек: «Санъаткор ўзи яшаган давр ғояларидан юқори ва четда бўлиши лозим».

Афсуслар бўлсинки, мен ҳам бошқа кўп режиссёрлар каби Зиқир Муҳаммаджоновдек буюк санъаткорларнинг маҳоратидан, ижодий имкониятларидан ўз вақтида кенг ва тўлиқ фойдалана олмаганман.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Зиқир ака ҳеч қачон баъзи актёрларга ўхшаб, режиссёрлардан, менга роль беринглар, деб илтимос ёки талаб қилмаган, у жуда камсуқум, камтарин, ўта маданиятли, бировнинг дилини оғритмайдиган, зиёли ва виждонли актёр эди.

Ўзбек санъати ва маданияти учун Зиқир Муҳаммаджоновдек улкан санъаткорнинг бўлганлиги катта бахт эди.

Зиқир аканинг чеҳрасидан нур ёғилиб турар, унда катта жозоба ва ҳаётий тажриба бор эди. Зиқир Муҳаммаджонов

хам ижобий, ҳам салбий ролларни юкори даражада ижро қилиш қобилиятига эга бўлган ноёб катта санъаткор эди.

Қандай ролни ижро этмасин, каттами-кичикми, уларни юкори тафаккур билан чуқур рухий қудратга эга бўлган ҳаётий шахс сифатида кўрсата олар эди. Зиқир Муҳаммаджонов ҳаётда дили тоза, кўнгли шаффоф, ҳассос ва юмшоқ характерли инсон бўлишига қарамасдан, роль ўйнаганда бутунлай образ қиёфасига қира оларди.

Бунга яққол мисол қилиб, режиссёр Комил Ёрматовнинг «Узоқ яқин йиллар» фильмидаги Жунаидхон ролини эслаш мумкин. Ўша даврда, ғоявий ва мафкуравий душман ролини фильм ижобий қаҳрамонига тенг кела оладиган, қолаверса, ундан ҳам кучлироқ қилиб кўрсатиш учун актёрдан катта маҳорат, матонат ва идрок талаб қилинар эди.

Ушбу фильмда Зиқир ака Жунаидхонни жуда жиддий, совуққон, ўта маккор, қонхўр қиёфасида кўрсатган ҳолда, унинг жасурлик сингари ижобий қирраларга ҳам бой бўлган тарихий шахс сифатида намоён эта олган. Натижада бу роль нафақат ўзбек киносининг, ҳатто жаҳон кино санъати захирасининг дурдоналаридан бирига айланган.

3. Мусоқовнинг «Кичкина табиб» фильмида кичик бир эпизодик ролни шундай қойилмақом қилиб ўйнаганки, асти қўяверасиз, шунда К. Станиславскийнинг «Кичик роллар бўлмади, балки катта актёрлар бўлади» – деган машҳур гапларини эслайсиз.

Сўнгги йилларда, Зиқир ака нуруний ёшда бўлишига қарамасдан томошабиннинг эсида қоладиган, ўзининг актёрлик амплуасининг янги қирраларини очиш орқали ажойиб образларни яратишга эришди. Масалан, режиссёр Рустам Саъдиевнинг «Келгинди куёв» фильмида ўз вақтида даврнинг тақозоси билан ажнабий юртларга кетиб қолган, ўзининг қобилият ва ҳаракатлари орқали бойиб кетган, аммо шунга қарамасдан бутун ҳаёти давомида Ватанини кўмсаб яшаган америкалик миллионер ўзбек образини шундай катта маҳорат ва шижоат билан ўйнаганки, она юрт кадри нақадар улуғ эканлиги туйғусини уйғота олган. Бу об-

разни Зикир ака 85 ёшларида ўйнаганига карамасдан, ҳар бир ҳаракатлари, ички туйғулари ва ҳазилнамо сўзлари билан профессионал даражада уларнинг фильмдаги кўп сўз ва иборалари халқ ўртасида афоризмга айланиб кетган. Бундай катта бахтга камдан-кам актёр эришган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Зикир Муҳаммаджонов яратган роллар тўлақонли, кучли рухий, чуқур мазмунли ва катта маҳорат билан ижро этилганлиги сабабли, ўша давр учун у ўзбек миллий кино тарихида биринчи бўлиб Халқаро кино анжуманларида турли мукофотлар олишга сазовор бўлган, жумладан, Зикир ака 1968 йилдаги Халқаро кинофестивалида «Энг яхши эркак роли ижроси» мукофоти билан тақдирланишга муяссар бўлган.

Зикир Муҳаммаджонов ўша даврда жуда таниқли ва машҳур актёр бўлганлиги сабабли нафақат «Ўзбекфильм» киностудияси фильмларида, балки бошқа мамлакат режиссёрларининг бир қанча фильмларида (Россия, Украина, Тожикистон, Ҳиндистон, Никарагуа, Туркия ва ҳ.к.) ҳам турли характерли ва эса қолувчи образларни яратди.

Зикир ака ўз ижодида олтмишга яқин ролларни юқори даражада ижро этган буюк киноактёр эди.

У ҳеч кимнинг дилини оғритмайдиган, тили ва дили бир, ҳалол инсон эди. Бахтимизга узок умр кўрди ва ҳаётининг сўнги кунларигача халқимизга ва саҳнага хизмат қилди.

Шу ўринда Зикир аканинг кўпчилиқ биладиган яна бир ижобий сифатини эслашни жоиз, деб билдим. Ҳар қандай шароитда, ёзу қуз, жазирама иссиғу қаҳратон қиш бўлмасин, уйларида театрғача, ҳатто киностудияғача пиёда борарди. Ўзбекистон Театр жамияти раиси бўлган даврларида ҳам, бирон маротаба ўзига бириктирилган хизмат машинасидан фойдаланмаган.

Хотирамда, бир куни сабоҳда мен ўз автомобилимда наҳорги ошга кетаётиб, кўчада пиёда шахдам қадам ташлаб кетаётган Зикир акани кўриб қолиб, машинани тўхтатдим: «Машинага ўтиринг, ахир бир манзилга кетаяпмиз-ку, тез-

да борамиз» дедим. У эса «Ташаккур. Мен пиёда юришга ўрганганман», – дея машинамага ўтирмади. Фалакнинг гардиши билан йўлда машинама бузилиб қолди, уни тузатишга тушдим, шунда олдимдан Зикир ака ҳол-аҳвол сўраб ўтиб кетди. Машинани тузатиб, манзилга борсам, ош ҳам тугабди, Зикир ака эса орқага пиёда қайтапти.

Ўйласам, Зикир ака, биринчидан, кўп пиёда юришнинг саломатликка фойдаси борлигини билсалар, иккинчидан, пиёда юриш орқали, кўчада турли инсон ва касб эгаларини, инсон характерларини синчиклаб ўрганар экан. Бу билан Зикир Муҳаммаджонов ҳаммамизга ҳаётни машина ойнаси орқасидан эмас, балки бевосита турмуш ичида, одамлар орасида юриб ўрганиш ўғитини берган экан. Во ажабо...

Шу воқеа сабаб бўлдики, ўша-ўша мен ҳам пиёда юришга одатландим.

Зикир Муҳаммаджонов билан биргаликда ишлаш, суҳбатлашиш, фикрлашиш, баҳслашиш, сафарларда бўлиш, ижод қилиш катта бахт эди.

У жуда машҳур санъаткор бўлишига қарамасдан, умрининг сўнгигача жуда камсуқум ва камтарин инсон бўлиб қолди.

У халқимизнинг ғурури ва фахри эди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз Зикир Муҳаммаджоновни кўп йиллик ҳалол хизматлари учун ҳақли равишда фахрий унвонлар, орден ва медаллар, мукофотлар ва совринлар билан тақдирлади. Оддий яшаб, қаҳрамонларча ижодий меҳнат қилган давримизнинг улкан намояндаси, халқимизнинг севикли санъаткори, ҳақиқий инсон Зикир ака санъат аҳли ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони шарафли унвонига сазовор бўлганди. У ҳақиқий Санъаткор деган энг юқори унвонга лойиқ бўлган бахтли инсон эди.

**Шухрат АББОСОВ,**  
**Халқ артисти, Давлат мукофоти**  
**совриндори, профессор**

## МУЎТАБАР САНЪАТКОР

Машхур актёр, замонавий ўзбек театр санъатининг ривожига муҳим ҳисса қўшган инсон – Зикир Муҳаммаджонов тўғрисида кўп мақола ва китоблар ёзилган ва ёзилажак. Бу кишининг ижодий фаолияти тўғрисида санъатшунос олимларимиз билимдонлик билан тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Шунинг учун мен ушбу мақолада фақат ўзимнинг Зикир Муҳаммаджонов билан турли учрашувларда бирга бўлганим, шахсий суҳбатларим, хизматдаги ҳамкорлигимиз тўғрисида бир-икки лавҳаларнигина айтиб ўтаман.

«Миллий тикланиш» партиясининг фаоллари сифатида биз иккаламиз, яна шу партиянинг бошқа фаоллари билан бирга кўпгина йиғин ва учрашувларда қатнашар эдик. Сўз навбати Зикир Муҳаммаджоновга берилганда кўпинча ўз сўзларини XIX аср ўзбек шеърятининг машхур вакиллари билан бири Зокиржон Фуркатнинг шеърларини ёддан ўқиб суҳбатга киришар эди. Бу мисралар бундай:

*Ассалом эй, аҳли хуш аҳбобу дўсту ёрлар,  
Ҳамнафас содиқ биродарлар, неку атворлар...*

*Соғ борсизму, қалайсизлар саломатлармусиз,  
Молу жон борму омон, эй яхшилар, хушёрлар...*

Таниқли актёрнинг ёқимли ва ширин овози, бу мисраларнинг баланд оҳангдорлиги дарҳол тингловчиларнинг диққатини ўзига тортар, жамоада бардамлик ва уйғунлик кайфиятини яратар, ҳаммага ёқар ва нотикнинг шундай бошланиш кетидан келадиган фикрларига нисбатан иштиёқ туғдирар эди. Шундан сўнг Зикир Муҳаммаджонов ўзи хизмат қилаётган Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театри) жамоасининг фаолияти, янги асарларни саҳналаштиришга кўриляётган тадориқлар, ўзларининг

айрим спектакллардаги роллари ижросига тайёрланиш ва ижро жараёни тўғрисида ҳикоя қиларди. Актёрнинг нутқи ҳамиша қизиқарли ва жонли бўлар, тингловчилар уни жон қулоғи билан тинглар ва қаттиқ қарсақлар билан қабул қилар эдилар.

Мен бир оз вақт олий курсда нутқ маданиятидан дарс берганман. Зикир Муҳаммаджоновнинг турли йиғинлардаги чиқишлари нутқ маданиятининг мисоллари бўла олади. Афсуски, бизда нутқ маданияти тўғрисида илмий тадқиқотлар кўп эмас. Ваҳоланки, бизда ибратомуз нутқлари билан танилган кишилар талайгина. Зикир Муҳаммаджоновни мен шулардан бири, деб биламан. Бир маҳал республика ижтимоий ташкилотларидан бирида мен Зикир Муҳаммаджонов билан бирга бир тадбирда иштирок этган эдим. Бу воқеа XX асрнинг охирида юз берган. Тадбирни уюштирувчилар бизларга Зикир Муҳаммаджонов ва каминага айтишдики, бу ташкилот XX аср ўзбек зиёлилари вакиллари сифатида ҳар иккимизнинг Ўзбекистон XXI аср ёш авлодига мурожаатини ёзиб олмоқчи ва уни тарих учун қолдирмоқчи эканликларини айтишди.

Мавзуни танлаш ихтиёрий. Аммо келажак авлод учун фойдали ва ибратли бўлмоғи керак.

Биринчи бўлиб Зикир Муҳаммаджонов сўзлади. Бу киши XXI аср авлодига Ўзбекистонда театр санъатининг XX аср давомида қандай қилиб ташкил топгани, ижодий кучларни ахтариб топиб, уларни йиғиб ўқитиб, театр жамоаларининг ташкил этилгани тўғрисида гапирди. Ана шу асосда академик драма театрининг юзага келгани, унинг ривожига улкан улушлар киритган машҳур санъаткорлар тўғрисида айтиб берди.

Ўзи тўғрисида кўп гапиргани йўқ. Асосан театрда хизмат қилган ҳамкорлари тўғрисида мароқли ҳикоя қилди. Фақат сўз охирида ўзи ижро этган айрим роллар, уларни тайёрлов ва ижро этишдаги ҳаяжонлар, машаққат ва изтироблар, жавобгарлик тўғрисида сўзлади. Хулоса шундай бўлдики, ижро этилган ҳар бир роль актёр учун жуда

кадрли. Уни яратишда санъаткор қанча куч сарф этади, бор қобилиятини ишга солади. Ҳар бир томошабинга бу ролни етказишга ҳаракат қилади. Шунинг учун актёр ҳар бир ролни ўзи учун қандай кадрли эканини тушунади, ҳис этади ва ундан ҳеч қачон воз кеча олмайди.

Мен шу кунларда Зикир Муҳаммаджоновнинг ўғилларидан бири билан суҳбатда бўлдим. Бу кишига отаси Зикир Муҳаммаджонов билан XXI аср авлодига мурожаатимиз ёзиб олинганини айтиб бердим.

– Мана ҳозир XXI асрнинг ўн беш йиллиги ўтмоқда. Ўша ёзув сақланганмикин, агар йўқолиб қолмаган бўлса, ундан фойдаланиш мумкин бўлармикан, – дедим.

– Домулло, мен ўша ташкилотни топиб, улар билан боғланаман, агар ўша ёзувлар сақланган бўлса, ундан фойдаланиш тўғрисида маслаҳатлашамиз, – деди.

Мен бу ишда у киши билан боғланишлари мумкинлигини ҳам айтиб бердим. Зора фойдаси тегса.

\* \* \*

XX асрнинг охириги чораги. Мен у вақтда Қўлёмалар институтида ишлар эдим. Район раҳбариятининг топшириғига биноан Ҳамза театрида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театри) унинг жамоаси учун гоҳо баъзи мавзуларда лекция ўқиб турганман. Бу ишни театрнинг бообруў актрисаларидан Икрома Болтаева бошқарганлар. Лекциялар албатта бепул ўқилган, аммо Ўзбекистоннинг энг эътиборли театрида донғи кетган санъаткорлар ичида маъруза ўқиш катта мамнуният бағишлаган. Ҳам бу жамоага мансуб кишиларнинг эмоционал дунёси бой, улар айтилган ҳар бир фикр ва фактларга жонли муносабат кўрсатар, заррача бефарқ ва безътибор бўлишмасди. Мен ўша вақтда XIX аср ва XX аср бошларида яшаб ижод этган қўқонлик шоир Зокиржон Фурқат ҳаёти ва ижоди тўғрисида илмий-оммабоп тарзида бир асар ёзмоқда эдим. Лекин унда ҳалигача эълон қилинмаган янги маълумотлар ҳам оз эмас эди. Фурқат шеърларининг мисрама-мисра таҳлилига оид лекция бўлаклари тингловчиларга айниқса

кўпроқ таъсир кўрсатарди. Шундай юксак малакали аудиторияда шу мавзуда ўтказилган суҳбатлар менинг Фурқат ижодига оид асаримнинг тўлароқ ва мукамалроқ бўлишига албатта фойдаси кўп бўлган.

Гоҳо лекциядан кейинги ўзаро гапларимизда ҳам лекция мавзуи асосий ўрин эгаллаган пайтлар ҳам бўлган.

Бир куни шундай лекциядан кейин Зикир Муҳаммаджонов менга яқинлашиб келиб, мен сизни кузатиб кўяман, деди. Иккаламиз театр биносидан чиқиб, Навоий кўчаси бўйлаб Навоий номидаги Адабиёт музейи томон қараб кетдик. Йўлда гап ҳозирги замон ўзбек адабиёти тўғрисида бўлди. Зикир Муҳаммаджонов мендан шу тўғридаги фикримни сўради. Ҳаммага маълумки, менинг илмий тадқиқотларим асосан ўтмиш адабиётига доир. Лекин ҳар бир адабиётшунос ўз даври адабиёти билан яхши таниш бўлмоғи мақсадга мувофиқ. Мен ҳозирги ижодкорларимиз яратган асарлар ичида диққатга сазоворлари тўғрисида гапирдим. Мисол қилиб Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси, ундаги она образининг қанчалар ҳаққоний ва тўлақонли эканини айтдим. У киши менинг фикримни диққат билан тинглади.

Мен бу қисса ҳақидаги мулоҳазаларимизнинг ўхшашлигидан мамнун бўлдим. Бу гаплардан хулосам шуки, Зикир Муҳаммаджонов фикр доираси кенг, ўзбек маданиятининг арбоби эди. У мендан, шу қисса асосида бирор сахна асари яратилса қандай бўлар экан, деб сўради. Мен дедимки, бу иш асар эгасига боғлиқ. Агар ёзувчи хоҳласа, режиссёр бу масалага қизикса, эҳтимол, бу мумкин бўлар. У мени иш жойим – Адабиёт музейигача кузатиб қўйди.

Мен тушундимки, ҳозирги ўзбек адабий жараёни масалалари Зикир Муҳаммаджоновни жуда қизиқтиради. Шу мавзуда фикр алмашинувига у кишида иштиёқ бор. Менга шу иштиёққа муносиб ҳамсуҳбат сифатида қараши ёқимли эди. Бу ҳикоядан мақсадим шуки, Зикир Муҳаммаджонов фақат истеъдодли актёр, театр арбоби бўлибгина қолмай, ўзбек маданиятининг жонкуяр арбоби, фикр доираси кенг зиёлилардан эди.



Бу кишининг Ўзбекистон Театр жамиятининг раиси сифатидаги фаолияти ҳам шундан далолат беради. Бу соҳада ҳам кўп тadbирларда у киши билан бирга бўлганман. Ўшандай тadbирларда Зиқир Муҳаммаджонов жамиятдан бирор кишини уларда иштирок этиш учун жўнатиш билан чекланмас, аксинча жамият раисининг ўринбосари Раҳим Қориев билан бирга шахсан ўзи келар, тadbирларда қатнашиб, уларнинг ишига чуқур мазмун бағишлаб турар эди. Мен бунга кўп гувоҳ бўлганман.

Машхур актёр, санъат арбоби ва фаол жамоатчи Зиқир Муҳаммаджоновнинг элу юрт олдидаги баракали фаолиятига юксак баҳо берилди. У Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли унвонга мушарраф бўлди. Шунда ҳозирги Ўзбек Миллий академик театри биносида бир кичик йиғилиш бўлган. Барча қатнашчилар Зиқир Муҳаммаджоновни бу фахрли унвон билан табрикладилар. Шулар қатори мен ҳам сўзга чиқиб, Зиқир Муҳаммаджоновни бу юксак шараф билан табриклаганман ва кўнгилдаги фикрларимни изҳор этганман.

Менимча, Зиқир Муҳаммаджоновга берилган Ўзбекистон Қаҳрамони унвони бутун ўзбек театр санъатига кўрсатилган диққат-эътибор, юксак ҳурмат ва эҳтиромнинг бир кўринишидир. Чунки XX аср давомида шаклланиб, замонавий ижодий соҳа сифатида ривож топган ўзбек театри шундай юксакликка кўтарилдики, унинг обрў ва эътибори авлодлар эътирофини қозонди. Унинг эришган муваффақиятлари Зиқир Муҳаммаджонов мансуб бўлган улуғларимизнинг иқтидори, меҳнати, ўз санъатига муҳаббати ва фидойилиги туфайли амалга ошди. Шу жиҳатдан қараганда, ушбу унвон бутун театр санъатимизга тааллуқлидир. Зиқир Муҳаммаджонов каби юксак истеъдодларни ўз бағрида етиштириб юзага чиқарган ва камол топган бутун ўзбек театри давримизнинг қаҳрамони, десак арзийди.

**Азиз ҚАЮМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
фан арбоби, академик

## ТУҒМА ИСТЕЪДОД

Ўзбек Миллий академик драма театри сахнаси ўзининг бир асрлик тарихида не-не улуғ санъаткорларни, буюк зотларни ўз бағрида тайёрлаган, ўстирган, улғайтирган тарихий ва табаррук санъат маскани.

Бундан қарийб етмиш беш йил мукаддам ушбу санъат қошоносида Аброр Ҳидоятонинг «Аваз» пьесасида илк бор роль ижро этиш билан катта сахна оламига қадам қўйган ёш ўзбек йигити ҳам шу улуғ санъат даргоҳида ўсди, улғайди, камолотга етди, халқ олқишига ва меҳрига эришди.

Мен учун жуда қадрли ва ҳурматли бўлган бу улуғ инсон ҳақида ўз фикрларимни ёзиш, албатта осон эмас, зотан, бу менга ўта катта масъулият юклайди. Негаки, қанчалик катта ва шарафли мартабаларга эришганлигига, халқимиз ва давлатимиз томонидан ҳаққоний эъзозланишига қарамасдан, унинг оддий яшаш тарзи ва ўз устида тинимсиз иш фаолияти заминида буюк бир сирли ҳикмат яширингандек туюлади, менга.

Аслида ҳам шундай...

Менинг отам ўзбек миллий санъатига катта меҳр қўйган, доимо янги спектакллар премьерасига тушиб турган санъат мухлиси бўлган. Шу сабаб, бизнинг оилада фарзандларга ҳам ёшлигимиздан бошлаб театрга муҳаббат туйғуси билан қаралган.

Мен Зикир акани илк бор Ҳамза театри (ҳозирги Миллий театр) сахнасида узоқ 50-йилларнинг бошида талабалик йилларимда кўрганман. Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва Ф. Шиллернинг «Қароқчилар» спектакларида узоқ вақт давомида томошабинлар хотирасида қолувчи тўлақонли образлари туфайли унинг санъатига маҳлиё бўлганман, у билан танишишни, суҳбат қуришни хаёлан орзу қилганман. Эслаш жоизки, ўша даврларда халқимизнинг театрга бўлган муносабати ҳам, меҳри ҳам ноёб ва чуқур эҳтиросли бўлган, санъаткорларга эса ўзгача ҳурмат билан қаралган.

Кейинчалик тақдирнинг тақозоси билан орзуим рўёбга чиқиб, кўп даврлар давомида дўст тутиниш бахтига муяссар бўлдим, қолаверса, оилаларимиз ҳам кўп йиллар давомида таътил пайтларида турли санаторийларда (Сочи, Ялта, Кисловодск) биргаликда дам олган.

Халқимизнинг, бировни ҳар тарафлама билмоқчи ва ички дунёсини ўрганмоқчи бўлсанг, уни мусофирчиликда, кундалик турмуш шароитидан ташқарида кўриш керак, деган оқилона фикри нақадар тўғрилигига бир неча бор иқроп бўлганман.

Сабаби, Зикир ака каби мен ҳам эрта сабоҳда туриб пиёда юришни яхши кўраман, натижада улар билан биргаликда бир кунда 12–15 км масофани ҳам бадантарбия, ҳам дилдаги гапларни ўртоқлашиш учун сарфлаш бахтига мушарраф бўлганман. Ана шунда, унинг ўта зиёли ва ўқимишли, ҳам ўзбек, ҳам жаҳон адабиёти дурдоналарини чуқур ва мукамал билувчи ойдин инсонлигига шохид бўлганман. Табиатан туғма истеъдодли санъаткор бўлишига қарамасдан, театрдаги ёши улуғ санъаткорлар М. Уйғур, Е. Бобожонов, А. Ҳидоят, Ш. Бурҳонов, О. Хўжаев, С. Эшонтўраева, З. Ҳидоят, М. Ёқубова, М. Кузнецова, О. Жалилов, Л. Назруллаев, Қ. Хўжаев, С. Табибуллаевларни туғма истеъдод эгаси деб доимо таъкидларди. Бу катта идрок, матонат ва ички маданият, нақадар шаффоф бўлган инсонийлик белгиси ва катта қалб эгаси тимсолидир. Бундай ижобий хусусият камдан-кам санъат ва илм аҳлига хос, бахтга қарши, аксарияти фақат ўзини мактайд-ю, бошқаларнинг салбий тарафини кидиради...

Шу ўринда мен ҳаётимдаги яна бир воқеани эслайман. Юқорида ёзганимдек, ёшлиқдан сахна санъатига меҳрим баланд бўлган. Ҳатто Москвада докторантурада ўқиб юрган пайтимда рафиқам билан кўп спектаклларни кўришга сазовор бўлганмиз. Бунинг сабаби, тақдирнинг тақозоси ила, машхур рус артисти Н. Гриценко (Вахтангов театри) ва унинг оиласи билан танишиб қолганлигимиз бўлган. 1973 йилда ўзбек театри ҳақида сўраган саволимга, унинг бер-

ган жавоби ханузгача хотирамда: «...ўзбек миллий театрида А. Ҳидоятлов, Ш. Бурҳонов каби етук санъаткорлар етишиб чиққан. Театрингизнинг келажаги эса янада порлоқ, чунки талантили, кўп қамровли, характерли артистлар ижод қилаётдилар, жумладан, Зикир Муҳаммаджонов...».

Кўп ўтмасдан, улуғ рус артистининг башорати юзага чиққанида тасаннолар айтганман...

Ёши тўқсонга борган устоз санъаткоримиз ҳамон ишга пиёда қатнардилар, чунки у бу одатни саломатликка бағоят фойда келтиришини ёшлигидан чуқур тушунган, англаган. Менимча, пиёда юриш орқали у халққа яқин бўлишга, табииликдан ажрамасликка, қолаверса, теварак-атрофдаги турли одамларнинг ҳар хил ҳаётий ҳолатларини синчиклаб ўрганишга интиланган бўлса, ажаб эмас...

Шу ўринда, Зикир акадаги яна бир фазилат, ўз маҳорати устида доимо тинимсиз ишлаш ва изланиш хусусиятини эслайман. Хотирамда бўлса, Иззат Султоннинг «Иймон» ва Н. Думбадзенинг «Оқ байроқлар» асарида санъаткор профессорлар образини яратиши керак бўлган, шунда менинг тиббий олим бўлганлигимни инобатга олиб, эринмасдан олдимга келиб, ҳатто беморлар кўрикларига ҳам қатнашиб, тиббиётга тегишли терминлар ва касаллар билан бўладиган мулоқотда врачнинг ўзини тутиши, ички туйғуларини ҳақида маслаҳат сўраган.

Бу ҳар бир образнинг ҳаққоний яратилишига интилиш, уни томошабин учун ишонарли қилиб кўрсатиш учун жиддий ёндашиш, қолаверса, образ ҳаётига маълум муддат тўла кириб яшаш...

Бу фақат катта санъаткорларга хос ҳолат.

Зикир ака шундай катта бахтга эга шахс эдилар.

Унинг ички дунёси бениҳоят гўзал, нафис, ўта камтарин, хушфезъл, ҳеч кимга озор бермаган, бировнинг орқасидан ҳеч қачон салбий ва ножўя фикрни гапирмаган, ҳар тарафлама етук, ойдин, зиёли, кенг фикрли ва ўта виждонли инсон эдилар.

Қадрли ва хурматли санъаткоримизга узоқ фаол умр кўриш бахти насиб этган экан, бу санъат мухлислари учун ҳам катта бахт бўлди.

У нафақат сахна сардори, балки катта ва бахтли оила бошлиғи эди.

Шу ўринда, Зикир аканинг рафиқаси Машкурахон опани ниҳоятда қадрлаши ҳақида ҳам ёзишим тўғри ва ўринли деб ўйлайман. Менимча, ҳаётини санъат ва илмга бахшида қилган шахслар учун оиланинг роли жуда ҳам катта. Чунки, қанчалик истеъдодли бўлмасинлар, улар учун ўз соҳасида эришган мартабалари кўп жиҳатдан айнан оилага, оилاداги атмосферага, оила тинчлигига боғлиқ. Бу жиҳатдан ҳам, санъаткор жуда бахтли ва ҳамма ўрнак олса арзигулик инсон, чунки Зикир ака Машкурахон опа билан биргаликда 70 йилдан кўп тинч-тоғув оила куриб келдилар, 5 фарзандни вояга етказиб, уларни олий маълумотли, Ватанга содиқ бўлган инсонлар қилиб тарбияладилар, қанчадан-қанча набира ва эвараларни кўриш бахти уларга насиб қилди.

Зикир Муҳаммаджоновнинг ижодини узоқ йиллардан бери санъат мухлиси сифатида меҳр билан кузатиб келаман. Шунда актёрлик санъати унинг туғма фазилати эканлигини янада аниқ, теран ва чуқурроқ англайман.

Узоқ йиллик ижодий фаолияти давомида бу санъаткор миллатимизнинг буюк фарзандлари бўлган Амир Темур, Беруний ва Фурқат каби тарихий шахсларнинг суврати ва сийратини сахнада ўта ҳаққоний ва тўлақонли қилиб яратди.

«Мирзо Улуғбек» видеофильмида Улуғбек образини шу даражада қойилмақом қилиб ижро этдики, назаримда, Софокль «Шоҳ Эдип»ини худди Шукур Бурхонов учун ёзганидек, Одил Ёкубов ҳам ўз асарида Мирзо Улуғбекни тасвирлаётган пайтида кўз олдида Зикир Муҳаммаджоновни келтирган бўлса не ажаб...

«Алишер Навоий» асари ярим асрдан кўпроқ давр давомида Миллий театр репертуарида мунтазам қўйилди. Шу йиллар давомида Мавлоно Навоийнинг сахнадаги сиймоси-

ни Зикир Муҳаммаджонов жуда ишонарли ва табиий қилиб ярага олди, натижада, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Ўтган давр ичида сеvimли санъаткоримиз кўплаб киноларда ҳам образларни реалистик ва кенг қамровли қилиб яратди. Унинг катта санъаткорлик маҳоратидан нафақат ўзбек кино режиссёрлари, ҳатто Россия, Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон, Украина кино ижодкорлари ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилдилар, натижада, улар билан ҳамкорликда ўнлаб бадиий фильмларда эсда қоладиган образлар яратилди.

Катта санъат устаси Зикир ака Муҳаммаджонов сўнгги йилларда қўйилган «Келгинди куёв» фильмида ҳаёт машаққатлари ва тақдир тақозоси билан ёшлигида узоқ ажнабий юртга кетиб қолишга мажбур бўлган, у ерда ҳалол меҳнати орқали бадавлат бўлиб кетишига қарамасдан, доимо ўзининг Она тупроғини қўмсаб яшаган ватангадо қария ролини шунчалик ишонарли ва таъсирчан ўйнаганки, томошабинларда Она юртга нисбатан чексиз муҳаббат уйғонади, кўзда ёш пайдо бўлади.

Ахир, бир умрлик соғинч ва армон билан чет элларда Ўзбекистонга интиқ бўлиб яшаётганлар қанчадан-қанча. Эҳ-хе!..

Зикир Муҳаммаджонов бу фильмда ана шундай одамларнинг қалб кечинмаларини ёрқин ва чуқур ифодалаб бера олди, фикримча, бунга устоз санъаткорнинг кўп чет мамлакатларда бўлиб, у ердаги ватандошлар билан бўлган учрашувлари, дилкаш мулоқотлари, қолаверса, икки амакисининг узоқ йиллар давомида Туркияда Она юртини қўмсаб яшаганликларидандир...

У буюк санъаткор бўлиб қолмасдан, балки катта ва меҳрибон мураббий, ўз маҳорат сирларини ёшларга беғараз баҳам кўрган ва қанчадан-қанча қобилиятли шогирдларни тарбиялаган улкан устоз эди.

Ёдимда, Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов ва Теша Мўминовлар ўзларининг олтмиш йиллик юби-

лей кечаларида Зикир Муҳаммаджоновни устозимиз, дея мағрурланиб эътироф этишганди.

Ўйлайманки, улуғ санъаткоримизга нисбатан бундай дил сўзларини айтувчи шогирдлари жуда кўп!

Бир шоирнинг машҳур сатрлари бор:

*Халқимга ҳеч нафим тегмаган кунни,*

*Умрим ҳисобига қўша олмайман!*

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори Зикир Муҳаммаджонов катта ёшга бориб қолганида ҳам ёшларга ўрнак бўлиб, санъатимиз келажаги ва равнаки учун жон дилидан қуюниб, эл-юртга наф келтириб яшади.

У бутун хаёти давомида ўзбек театр ва кино санъати ривожига катта ҳисса қўшди. Бу инсоннинг кўп йиллик улкан муваффақиятлари ортида эса туғма истеъдоддан ташқари нақадар чексиз машаққатли меҳнат ва изланишлар, қанчадан-қанча уйқусиз тунлар ётади.

Зеро, буюклик шохсупасига чиқиш осон кечмагай. Зикир акам шундай маснадга эришган эди.

**Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
**академик**

## **АЗИЗ ИНСОН**

Менинг отам машҳур кўз шифокори Муҳаммаджон Комилов, онам Матлуба Мажидова ва Зикир Муҳаммаджонов тенгдош бўлишган. Ота-онамнинг ёшлик йиллари Кўкча даҳасининг «Айрилиш» маҳалласида ўтган.

Тарихга назар солсам, 1924–1925 йиллардан то 2012 йилгача деярли 80–90 йил давомида улар бир-бирларига кадрдон бўлиб яшашди. Бир маҳаллада яшаганимиз ҳам, кейинчалик турли жойларга иморат қуриб кетилганда ҳам, тенгдошлар орасидаги борди-келди узилмасдан давом этаверди. Улар кўришганда ёшлик йиллари, қўни-қўшнилар,

қариндошлар, маҳалладаги ва умуман олганда Чорсудан бошлаб то Кўкчагача бўлган жойда истиқомат қилган таниш-билишлар ҳақида сўраб суриштириб, ким қандай яшаётгани ҳақида суҳбат ўтказишарди.

Зикир ака халқ орасида жуда кўп бўларди, маърака ва маросимларда фаол иштирок этарди. Хотирамга келган бир эпизодни айтиб ўтмоқчиман. «Оқилон» маҳалласида яшовчи дўстлари тўй қилганда келган меҳмонларга саватда нон кўтариб, ҳар бир столга Зикир ака нон тарқатганлар. Зикир ака шунчалик камтарин инсон эди.

Халқ Зикир акани нафақат улкан санъаткор сифатида, балки фуқаро Зикир акани – оддий ва халқпарвар инсон сифатида ҳам танир эди.

Шу маънода солиштиришга тўғри келади.

Айрим санъаткорларимиз халқ орасида озгина танилиши билан халқдан узоқлашиб, димоғ билан гердайиб юриш, менсимаслик, калондимоғлик, халқни ёқтирмаслик каби юлдузлик касалига дучор бўлади.

Зикир акани ҳукуратимиз ҳам, халқимиз ҳам камтаринликлари учун ҳурмат қилиб, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони сифатида эътироф этиб эъзозлашади.

Зикир акани шу хусусиятларини, айниқса, уларнинг бизнинг оиламизга бўлган муносабатларида яққол кўриш мумкин. Байрам кунлари, ҳайит кунлари бизнинг кўчамиздан пиёда ўтганларида эшик қўнғироғини босиб, ҳовлимизга: «Маҳамаджон, Маҳамаджон», деб кириб келардилар. Дастурхон ёзишга, чой қўйишга рухсат бермасди.

Ота-онам билан саломлашгач, хол-аҳвол сўрашиб, муаммо бор-йўқлигини сўраб, хайрлашиб чиқиб кетарди. Буни ҳақиқий дўстнинг бизнинг оиламизга ташрифи, деб ҳисоблардик.

Ушбу ташрифлар даврида отам ўзбек санъати ва маданиятидаги янгиликларни, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ҳақида сўраб, уларга «салом» айтишни тайинлар эдилар. Икки дўстнинг бир-бирига бўлган дўстона



муносабати туфайли шифокор санъаткорлар билан, санъаткор Зикир ака эса шифокорлар билан узвий алоқа боғлаб туришар эди. Зикир аканинг «кўнғироқдай» бетакрор баланд жарангли овозини эшитган кўшнилариимиз кўчага чиқиб, уларни кўриб, нигоҳлари билан кузатиб кўйишар эди.

Зикир ака ҳар бир дақиқани қадрига етувчи инсон эди, жудаям фурсатни ғанимат билиб, вақтни аяр эдилар.

Эътибор берган бўлсангиз, авваллари Зикир ака кўзойнак тақиб юрар эдилар, ёш ўтиши билан асаб тарангликлари, артистнинг ролга кириши, ҳаяжонланиш, ҳистуйғуни ўзгариши туфайли кўзларида хасталик бошланди. Зикир аканинг одамийликларини қарангки, қанчалик имкониятлари кўп бўлишига қарамасдан «Мен, кўз шифокори Холидбек турганида бошқа мамлакатлардаги кўз шифокорига бормайман» деганларини фарзандлари бир неча бор таъкидлашган. Мен ҳам Зикир акага ўз отамдек муносабатда бўлиб кўлимдан келган, лозим бўлган усулларни қўллаб, кўзларини бир неча бор операция қилиб, кўз ичига сунъий гавхар ўрнатиб, кўзларини ёруғ дунёни равшан кўрадиган қилиб кўйдим. Шифохонада даволанаётган вақтларида, хоналарига мени ва даволовчи шифокорлари Олимжонни чақириб дедилар: «Баҳорнинг лаззати бўлмиш «мотор сомса»дан енглар», – деб таклиф қилдилар ва шу аснода бизга фикрларини айтдилар: «Мотор машинани, насосни юргизиб турса, «мотор сомса» танани тетиклаштиради, чунки у илк баҳорда янги ўсиб чиққан гиёҳлардан тайёрланган».

Менинг 60 йиллик юбилейимда Зикир ака табрик сўзлаб, отам-онам ҳақида анча илиқ сўзларни айтганди. «Улуғбек» спектаклидаги машҳур монологларини айтиб, ҳамма меҳмонларни хурсанд қилганди.

Шуни айтишим керакки, Зикир ака ва менинг ота-онам ҳаёт мактабидан чуқур билим ва кўникмаларни фарзандларга, невараларга беришган. Улуғ санъаткоримизнинг ёрқин хотиралари ҳамиша бизга машъал бўлиб, қалбимизда абадий сақланади.

**Холидбек КОМИЛОВ,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони**